ТУРКИСТОН АССРДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МИЛЛИЙ СИЁСАТИ

О.Рашидов

Мақола Туркистон АССРда совет ҳокимиятининг миллий сиёсати масалаларига бағишланган. Унда большевиклар партияси томонидан олиб борилган миллий сиёсатнинг босқичлари, принциплари, мақсадлари ва моҳиятининг айрим жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: *мустамлака, декларация, миллий республикалар, инқилоб, миллий сиёсат, коммунистик партия, РСФСР, Туркистон АССР, БХСР, ХХСР, СССР, Марказ.*

Статья посвящена вопросам национальной политики советской власти в Туркестанской АССР. Рассмотрены некоторые аспекты этапов, принципов, целей и сущности национальной политики партии большевиков.

Ключевые слова: *колония, декларация, национальная республика, революция, национальная политика; коммунистическая партия; РСФСР; Туркестанская АССР; БНСР; ХНСР, СССР; Центр.*

This article deals with the issues of the national policy of Soviet power in the Turkestan ASSR. It also analyses some aspects of its stages, principles, objectives and scope of the National Bolshevistik Party policy.

Key words:*colony, declaration, the national republic, revolution, a national policy, Communist Party, RSFSR, Turkestan ASSR, BNSR, HNSR, USSR, Centre.*

Большевиклар 1917 йил октябрда Петроградда ҳокимият тепасига келгач, Россия империяси чекка ўлкаларда юритган мустамлакачилик сиёсатини қоралаб, дастлаб туб аҳоли вакилларининг демократик давлат қуришларига кўмаклашмоқчидек кўринди. Аммо большевиклар юритган сиёсат чор империяси олиб борган сиёсатнинг янгича кўриниши эди. Бунинг далили сифатида кейинчалик РКП(б) МКнинг миллий республикалар ва вилоятларнинг масъул ходимлари ўтказган тўртинчи кенгашида Туркистондаги миллий раҳбар ходимлардан Султонбек Хўжанов ва Акмал Икромов нутқ сўзлаб, ҳозирги Туркистон билан подшо Туркистони ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, фақат ниқоб ўзгарди, холос, деб бор гапни очиқчасига айтишади [5.27].

Марказда турган совет етакчилари Туркистон ўлкасидек бой минтақани қўлдан чиқармаслик, уни узоқ муддат исканжада ушлаб туришга йўналтирилган янги мустамлакачилик сиёсатини ишлаб чиқишлари лозим эди. Шу сабабли Россияда совет ҳокимияти ўрнатилгач, 1917 йилнинг октябридан декабрига қадар РСФСР ХКС диний ва миллий масалаларга оид 7 та қарор ҳамда декрет ва ҳужжатлар қабул қилди [8.29]. Совет ҳокимияти Туркистонни Россияга тўла бўйсундириш учун Марказнинг ҳар қандай қарор ва декретларини татбиқ қилиш ва бажарилишини таъминлаш сиёсатини юритди. Бу эса ўз навбатида мустамлакачилик тузуми ўзгармасдан давом этишини англатар эди.

1917 йил декабрь ойи бошларида Ленин ва Сталин имзоси билан эълон қилинган “Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси” ва “Россиянинг ҳамда Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига” деган мурожаатда ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг асосий принциплари белгилаб берилди [4.7].

Миллий сиёсат принципларида миллий зулм ва миллий тенгсизликка барҳам бериш, мустамлака ва қарам мамлакатларнинг эзилган халқларини империализм зулмидан озод қилиш, барча кишиларга, улар қайси ирқ ва қайси миллатга мансуб бўлишларидан қатъи назар, чинакам озодлик ва тенглик бериш, барча халқлар ўртасида дўстона ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни ривожлантириш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш каби баландпарвоз тезислар белгиланган эди.

Большевиклар партияси миллий сиёсатнинг ҳар бир тарихий босқичида, ҳар бир вазиятда шароитдан ва асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда унинг йўналиши, мақсади ва моҳиятини ўзгартириб борди. Масалан, 1917-1924 йиллар давомида партия миллий сиёсатнинг асосий негизи бўлган “миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи”нинг кун тартибига қўйилиши ва унинг большевиклар “андозаси” асосида амалга оширилишининг натижаси сунъий равишда миллий республикалар ташкил қилиниши бўлди [13.151-152].

Миллат фидойилари томонидан Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилганида “миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи” советлар учун ёт тушунчага айланди. Туркистон Мухторияти ваҳшийлик билан қонга ботирилди. Бу совет ҳокимияти миллий сиёсатида “ҳеч ким ва ҳеч қачон ўзбошимчалик билан совет андозасисиз давлат барпо этолмайди” деган мақсадни кўзда тутарди.

Туркистон Мухториятининг 1918 йил февралда ҳарбий куч орқали тугатилиши миллий масалада зиддиятларнинг чигал тугунини юзага келтирди. У большевикларнинг маҳаллий аҳоли билан алоқаси йўқлигини очиқ-ойдин кўрсатди ва айни пайтда, минтақада миллий озодлик ҳаракати етилганини намоён этди. 1918 йилнинг фожиали февраль воқеаларидан сўнг Туркистондаги миллий озодлик ҳаракати изчил равишда очиқ қуролли кураш шаклини ола бошлади. Ўлканинг туб аҳолиси ва уларнинг сиёсий йўлбошчилари большевикларнинг ҳукумат тузилмалари хатти-ҳаракатларида миллий менталитетга ёт бўлган давлатчиликни жорий қилиш учун ошкора интилишини яққол кўргач, миллий масалани тинч йўл билан ҳал этиш имконияти тугади, фақат қурол кучи билан мустақиллик ва озодлик ҳақидаги асрий орзуни амалга ошириш мумкин, деган фикрга келдилар [2.151-152].

Совет ҳукумати Туркистон Мухторияти тажрибасидан муҳим хулоса чиқариб, Туркистон ҳудудида ўзига хос совет намунасидаги автономияни ташкил этишга киришди. Бундан кўзланган асосий мақсад – Туркистоннинг келажакда мустақил, суверен давлат бўлиб, алоҳида ажралиб чиқиб кетишига йўл бермаслик эди. Ана шу мақсадда 1918 йил 20 апрель куни Тошкентда Туркистон Совет-

ларининг V съезди очилди. 30 апрель куни съезд РСФСР таркибида Туркистон Совет Автоном Республикасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди ва “Туркистон Совет Республикаси тўғрисида Низом”ни тасдиқлади. Туркистон Совет Автоном Республикасининг тузилиши совет тарихшунослигида миллий масаланинг ҳал қилинишидаги дастлабки ғалаба, деб баҳоланди.

Туркистон АССРда 1918 йил 30 апрелда Туркистон Миллий ишлар бўйича халқ комиссарлиги тузилди. 1919 йилда Туркистон комиссияси ҳузурида ўзбек, қирғиз, туркман, украин ва бошқалардан иборат 10 та миллий бўлим фаолиятини бошлаган [1.163]. 1919 йил март ойида II Ўлка партия конференциясида Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси тузилди. Миллий ишлар бўйича бюро партия комитетларининг сиёсий вазифаларини бажарувчи ёрдамчи ташкилот сифатида фаолият юритди. Бундай ҳолатдаги бошқарув тизими нафақат Туркистонда, балки советларга қарам бўлган бошқа миллий республикаларда ҳам ўз аксини топган. Камчиликни ташкил этган европалик аҳоли ушбу ҳудудларда кўпчилик бўлган халқларнинг миллий сиёсий йўналишини белгилаган эди. Туркистон ўлка Мусулмонлар бюросининг европалик аҳоли учун кичик миллий бўлимлари: эрон-озарбайжон, чех, серб, украин, яҳудий, арман, поляк, маҳаллий-яҳудий, кавказ-озарбайжон ва бошқалардан иборат бўлган [7.23-24]. 1922 йил маълумотларига кўра Туркистон АССРнинг Сирдарё вилоятида 1.773.000, Амударё вилоятида 252.000, Фарғонада 2.175.000, Самарқанд вилоятида 1.200.000, Туркман вилоятида 464.000, Жеттисой вилоятида 1.281.000 аҳоли истиқомат қилган. Умумий ҳисобда Туркистон АССРда аҳолининг сони 7.145.000 ни ташкил этган [10.53]. Шу давр баъзи ҳисобот материалларида Туркистон АССРда истиқомат қилувчи аҳолининг миллий таркиби асосан туркий халқларга мансуб миллатлардан, ундан кейинги ўринда тожиклар ва форслар, учинчи ўринда руслар ва улардан сўнг дунган, хитой, қалмиқ ва бошқа халқлар истиқомат қилиши қайд этилган [11.11].

1919 йил сентябрида Туркистон Коммунистик партиясининг фавқулодда чақирилган IV съезди айнан миллий масалага бағишланди. Съездда Турар Рисқулов совет миллий сиёсатида йўл қўйилган камчиликлар ҳақида кескин фикр билдирди. “Туркистондаги пролетар инқилоби ажойиб жиҳатлари билан бирга катта хатоларга ҳам йўл қўйди. Бунга асосан инқилоб намояндаларининг маҳаллий аҳоли турмуши ва шарт-шароитлари билан таниш бўлмагани сабаб эди. Олиб борилган сиёсатнинг нормал хусусиятга эга эмаслиги кейинчалик қайд этилган хатоларга сабаб бўлди. Совет ҳокимиятининг инқилобга қарши кучлар билан курашиши ҳудудда совет тизимининг қурилишига катта зарар етказди. Қўқон муҳториятининг барбод қилиниши ҳамда Бухородаги воқеалар мусулмонлар учун совет ҳукуматининг салбий жиҳатларини фош қилди. Ушбу воқеаларда сиёсий раҳбарлар бир қатор тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўйишди. Натижада улар тинч яшаётган мусулмон аҳолига фожиалар келтирди, янги фронтлар, масалан, Фарғона фронтининг пайдо бўлишига олиб келди” [3.57].

В.И.Ленин ташаббуси билан 1919 йилнинг октябрь ойида Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича комиссияси тузилди. Комиссия таркибида комунистик партия ва Совет давлатининг арбоблари Ш.З.Элиава (раис), М.В.Фрунзе, В.В.Куйбишев, Я.Э.Рудзутак, Ф.И.Голошчекин ва бошқалар бор эди [6.114-115]. Бу комиссия аъзолари Туркистон минтақасида Марказ сиёсатини юритиб, маҳаллий халқларга нисбатан шовинистик кайфиятда бўлди.

Туркистон Коммунистик партиясининг V съезди (1920 йил сентябрь) ва Туркистон АССР Советларининг IX съездида миллий сиёсатни амалга ошириш кераклиги таъкидланди. Съезд Туркистон Коммунистик партияси миллий сиёсатининг асосий тактикасини белгилаб, у “Туркистонда яшаб турган барча қабилалар ва миллатларнинг меҳнаткашлар оммаси билан Марказий Россиянинг меҳнаткашлар оммаси ўртасида бузилмас ҳамкорлик иттифоқини оғишмай амалга ошириш”-дан иборат бўлиши лозимлиги съезд қатнашчилари томонидан уқтириб ўтилди [12.319-321]. Большевиклар миллий сиёсатида 1920 йил кўзланган навбатдаги режа амалга оширилган йил бўлиб қолди. Яъни 1920 йилда Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги большевикларнинг узоқ ўйланган пухта режаси асосида қизил армия томонидан ағдарилди ҳамда улар ўрнида ХХСР ва БХСР тузилди.

Бу даврда совет давлати миллий сиёсатда кенг кўламли ва янги ғояларни ўзида ифодалаган тактикани илгари сурди. Ленин большевиклар миллий сиёсати тактикасида бир оз ўзгариш ясади. У миллий республикалар ихтиёрий равишда совет давлати таркибида бўлишига дунё жамоатчилигини ишонтиришга уринмоқда эди. Шунинг учун большевиклар миллий масала бўйича “қизил гвардиячиларга хос ҳужум” сиёсатидан воз кечиб, қисман келишув ва ён беришлар йўлини тутди. Аммо большевикларнинг стратегик миллий дастурида ўзгаришлар юз бермади. Марказий ҳокимият аввалгидек коммунистик империя қуриш йўлини тут-

ганди. Унинг ижтимоий-сиёсий мақсадини амалга ошириш учун барча маъмурий кучлар сафарбар қилинди. Совет давлати раҳбарларининг асосий ташвиши миллий республикаларни РСФСР га боғлаб қўйиш ва шу билан бирга уларни янги Россияга аннекциясиз қўшиб олиш эди. Шунинг учун Ленин тўғридан-тўғри ҳужум қилиш усулидан воз кечди. 1921 йил октябрь ойида у бу масала бўйича "тўғридан-тўғри ҳужум қилиш натижа бермади, энди айланиб ўтиш орқали қамал қилиш йўлини тутамиз" деб айтган эди [9.382-383].

1921 йилнинг мартида РКП (б) X съездининг миллий масалага доир қарорида мустамлакачилик ва миллатчилик сарқитлари кескин равишда қораланди. Давлат қурилишининг ҳамма соҳаларида миллатлар ва ирқлар тенг ҳуқуқли экани, уларнинг эркин ривожланиш ҳуқуқини таъминлаш кераклиги таъкидланган эди. Бироқ большевиклар партиясининг съездида билдирилган бундай тўғри фикрлар ҳаётда бутунлай бошқача татбиқ этилди. Большевикларнинг ўзи миллий масалада икки ёқлама сиёсат юритиб, асосан, Марказ манфаатларини ҳимоя қилишди.

РКП (б) X съездининг миллий масала тўғрисидаги қарорида ҳокимият ва бошқарув органларида миллий вакилликни кенгайтириш, диний маросимларни бажариш учун нисбатан қулай шароит яратиш, миллий камситишнинг экстремистик шаклларига қарши курашни авж олдириш ҳақида кўрсатма берилди. Айни вақтда совет ҳокимиятининг сиёсий мавқеини яхшилаш ва партиянинг миллий чекка ўлкалар кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида обрў-эътибор қозониши мақсадида съезд Россия империяси даврида эзилган халқларнинг "асрий иқтисодий ва маданий қолоқлигини тугатиш ҳамда тараққий қилган халқлар ёрдамида уларнинг тенгсизлиги ва мустамлакачилик сарқитлари"га тўлиқ барҳам топишига эришиш вазифасини илгари сурди.

Миллий республикалар партия съезди қарорларига ишониб ва унга таяниб, фан ва санъатда миллий асосларни нисбатан тиклашга, иқтисодиётни қайта қуришга, ҳокимият органлари ва уларнинг аппаратини "маҳаллийлаштириш"га киришдилар. Бироқ бу кўрилган чора-тадбирларнинг ҳаммаси марксча ақидалар, синфий ёндашув асосида амалга оширилди. Четдан оқилона бўлиб туюлган бу қарорларни ҳаётга татбиқ қилиш механизми ишлаб чиқилмагани сабабли улар кўпинча қуруқ гап бўлиб қолди ёки чекланган тарзда амалга оширилди[13.167-168].

1922 йил ўрталаридан бошлаб РКП(б) МК Бош Секретари И.В.Сталиннинг қатъий талаби натижасида миллий суверенитетни кенгайтиришни орзу қилган миллий республикаларнинг етакчиларига қарши кескин кураш бошланиб, улар "миллатчилик ва оғмачилик"да айбланди. РСФСР таркибидаги Туркистон АССР раҳбарлари ҳамда мустақил халқ республикалари ҳисобланган БХСР ва ХХСР ҳукуматлари раҳбарларига қарши ана шундай кураш Марказ томонидан шафқатсиз тарзда олиб борилди.

1922 йил 30 декабрда қабул қилинган СССРни ташкил этиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ, унинг таркибига халқларнинг хоҳиш-иродасига зид равишда дастлаб РСФСР, Украина, Белоруссия, Закавказье республикалари киритилди. РСФСР таркибидаги Туркистон АССР ҳудуди ўз-ўзидан СССРнинг территориясига айланди. Кейинчалик Ўзбекистон ССР ташкил топиб, у иттифоқдош республика сифатида СССР таркибига киритилди.

Шундай қилиб, большевиклар партияси зўравонлик йўли билан Россияда 1917 йил октябрда ҳокимиятни эгаллаб, совет давлатига асос солди. Совет Россияси раҳбарияти ва большевиклар бепоён мамлакатда сиёсий ҳокимиятни эгаллагач, инсоният тарихида мисли кўрилмаган қатағон сиёсатини олиб боришди. Большевикларнинг миллий сиёсати чекка миллий ўлкалар ва республикаларда жуда усталик билан олиб борилиб, асосан, Марказ манфаатларига бўйсундирилди. Туркистондаги совет партия ва хўжалик раҳбарлари Марказ буйруқларини бажаришга мажбур қилинди. Туркистондаги миллий етакчилар мавжуд шароитда миллий масалада адолатли ва холис сиёсат юритишда ожиз қолиб, большевиклар партиясининг ижрочиларига айланишди.

Адабиётлар:

1. Ата-Мирзаев О, Гентшке В, Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т.: Янги аср авлоди, 2011.- 210 с.

2. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Т.: Маънавият, 2000.- 166 б.

3. Мусбюро Р.К.П.(б) в Туркестане. 2 и 3 Туркестанские Краевые конференции РКП. 1919-1920г.г. -Т.: Туркестанское Государственное издательство, 1922.- 95 с.

4. Назаров М. Ўзбекистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун кураш (1919-1920 йиллар). – Т., 1954. – 52 б.

5. Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924 йиллар). – Т.: Yangi nashr, 2015.- 240 б.

6. Рашидов Ш.Р. Дўстлик байроғи. – Т.: ЎзКП МКнинг Бирлашган нашриёти., 1967.- 247 б.

7. Саипова К.Д. Социально-экономическое и политическое положение европейской части национальных меньшинств на территории ТААСР. // Вестник развития науки и образования. Москва, 2013.- № 1. - С.23-24.

8. Салмонов А. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдирма ва тарих ҳақиқати (1917-1960 йиллар). – Т.: Тафаккур, 2015. – 160 б.

9. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я. Раджапова – Т.: Шарк, 2000.- 672 с.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Р-39 фонд, 2-рўйхат, 637-иш, 53-варақ.

11.Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Р-36 фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 11-варақ.

12. Ўзбекистон ССР тарихи. (Қадимги даврдан ҳозирги кунгача) – Т.: Фан, 1974.- 658 б.

13. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. – Т.: Шарқ, 2000.- 688 б.

Ўзбекистон миллий университети,
2016 йил 2 июлда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Қ.Ражабов)